

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕОИИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон саноат кооперациясини кенгайтириш, илгор тажриба ва инновацион ёндашувлар асосида қўшилган қиймат яратишнинг барқарор замири бўлиши шакллантиришдан манфаатдор экани таъкидланди. Транспорт ва транзит соҳасида ўзаро мувофиқлашган ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимлиги алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса транспорт йўлақларини янада фаол ишга солиш, уларнинг рақобатбардорлиги ва қу-

ватини салмоқли даражада оширишга ёрдам беради.

Меҳнат миграцияси соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Бу аҳоли бандлиги билан боғлиқ кўплаб долзарб масалаларни ҳал қилиш ҳамда иштирокчи давлатлар иқтисодийларининг малакали мутахассисларга тобора ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқорида қайд этилган барча омиллар мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий

иттифоқи билан қузатувчи давлат мақомида ҳамкорлик қилиши тўғрисидаги тақлиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланиши учун асос бўлди.

Таъкидланганидек, бу амалий ва кўп қиррали муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга чиқиш, ташкилот доирасида рўй бераётган муҳим жараёнларни янада чуқур ва аниқ тушуниш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида бундай шериклини ривожлантириш мамлакатларимизнинг миллий манфаатларига жа-

воб бериши, тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро фойда ва манфаатларни ҳисобга олиш принцип-ларига асосланган бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг йиғилиши якунида ЕОИИга аъзо мамлакатлар етакчилари Ўзбекистон Республикасига ташкилот ҳузуридаги қузатувчи давлат мақоми бериш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

Ў.А.

Танзила НОРБОЕВА,
Олий Мажлис Сенати Раиси:

ҲАМКОРЛИК МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

— Президентимиз Евроосиё иқтисодий иттифоқи саммитида иштирок этиб, ўз нутқида иштирокчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган муҳим иқтисодий ислохотлар тўғрисида қисқача ахборот бердилар. Шу билан бирга, Президентимиз Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий ҳамкорлари эканлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, мамлакатимиз ўртасида савдо-сотиқ кўрсаткичлари йил сайин ошиб борапти. Транспорт-

коммуникация соҳасидаги алоқаларимиз мустақамлашиб, инвестициявий ҳамкорлигимиз кучаймоқда. Ушбу давлатлараро иттифоқ иштирокчиларини ўз фуқароларининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган умумий манфаатлар биллаштирилади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида мамлакат парламентида қилган мурожаатларидан сўнг биз Ўзбекистон ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик масаласида катта ишларни амалга

оширдик. Олимлар, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда мамлакат аҳолисининг фикрларини ҳар томонлама ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш асосида парламенти-миз Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан қузатувчи давлат мақомида ҳамкорлик қилишга қарор қилди. Бугун Евроосиё иқтисодий саммитида унинг иштирокчилари томонидан Ўзбекистонга қузатувчи мамлакат мақоми берилди.

Бу, Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизга мулоқот ва амалий ҳамкорлик қилиш-

нинг сифат жиҳатидан янги босқичга чиқиш, ушбу бирлашма доирасида шиддат билан кечаётган жараёнларни чуқурроқ ва яхшироқ тушуниш имкониятини беради. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг қузатувчи сифатида иштирок этиши бир қатор янги имкониятларни тақдим этади.

Жумладан, бундан буюн мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти учун тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиладиган, иттифоннинг иштирокчи мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини қу-

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи» учун эксклюзив

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати глобал характер касб этмоқда

Чет мамлакатлар сиёсий доиралари ва жамоатчилиги вакиллари Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаолиятини катта қизиқиш билан қузатмоқда. Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг видеонавжуман шаклида йиғилишидаги иштироки ташқи экспертлар диққат марказида турибди.

Хусусан, **Кириккале университети профессори Муҳаммад Саваб Кафқасали** «Дунё» ахборот агентлиги мухбири билан сўхбатда қуйидагиларни таъкидлади:

— Бугун бутун дунё сайёрамизни қамраб олган эпидемиологик инқироз келтириб чиқарган муаммоларга ечим изламоқда. Аммо бундай ечим давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликка боғлиқ, чунки пандемия глобал характерга эга ва дунёдаги бирон-бир давлат бугунги кундаги муаммоларни ўзи ҳал қила олмайд.

Барча давлатларга турзилмаган ва механизмлар билан алоқалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар иқтисодий ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқдир. Шу маънода, Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон БМТнинг тўлақонли аъзоси, халқаро муносабатларнинг фаол субъекти сифатида турли нуфузли тузилмаларда, шу жумладан, ЕОИИда фаол иштирок этиши бежиз эмас. Шунингдек, Ўзбекистон ташқи сиёсати асосини конструктивизм, долзарб масалаларнинг барча жабҳалари бўйича ҳамкорликка очикчи, шериклар билан ўзаро ва кўп томонлама форматдаги алоқаларни кенгайтириш ташкил этаётгани қувонарди. Бундай кенг қамровли ёндашув натижасида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий стратегияси бутунли кунда долзарб глобал муаммоларни ҳал қилишга ҳисса қўлиши учун мумкин бўлган шерикларнинг барча спектри бўйича конструктив ўзаро алоқаларни максимал даражада кўтаришга қаратилган янги мазмун билан бойимқода.

Жорий йил май ойида Ўзбекистон парламенти мамлакатнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи фаолиятида қузатувчи сифатида иштирок этиш тўғрисидаги тақлифини маъқуллади. Бугунги учрашув ушбу қарорнинг натижаси бўлибди — ЕОИИ саммити Ўзбекистонга ушбу ташкилот ҳузуридаги қузатувчи давлат мақоми бериш. Ўзбекистон раҳбари, ўз навбатида, Ўзбекистон ва ЕОИИ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Шундай қилиб, Ўзбекистон ташқи сиёсати халқаро ҳаётнинг фаол иштирокчиси сифатида БМТ ва бошқа тузилмалар доирасида глобал характер касб этмоқда.

Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) ҳузуридаги қузатувчи давлат мақоми олиши халқаро қузатувчилар учун қутилган ангилди эди, деди «Сринакаривирот» университети (Таяланд) сиёсат фанлари департаменти етакчи ходими, доктор Рустам Вансу «Дунё» ахборот агентлигига берган интервьюсида.

«Бундан аввалроқ Ўзбекистон парламенти ҳам ушбу мақом учун овоз берган эди. Зеро, Президент Шавкат Мирзиёев, депутатлар, жамоат арбоблари ва олий фуқаролар бир неча бор ушбу қарор қабул қилинган тақдирда республика иқтисодиёти ва аҳолиси учун янги имкониятлар очилишига эътибор қаратган эди, — деб таъкидлади эксперт. — Биз маъмур қарор Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинганини яхши англаймиз. Мамлакат иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда ва Ўзбекистонга нафақат ЕОИИга аъзо давлатлар бозорларига чиқиш, балки бошона сиёсатини шакллантириш, бошқа икки қондалар ва жараёнларга таъсир ўтказиш ҳуқуқи билан имтиёзли тарзда ташкилотга кириши зарурдир».

«Дунё» АА.

АМАЛИЙ ВА КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАР СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚАДИ

Кеча Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг йиғилишида ЕОИИга аъзо мамлакатлар етакчилари Ўзбекистон Республикасига ташкилот ҳузуридаги қузатувчи давлат мақоми бериш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

Қайд этиш керак, Қонунчилик палатаси депутатларининг бир неча ой давомида олиб борган ўрганишлари, масалага ҳар томонлама чуқур ёндашувлари натижасида мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан қузатувчи давлат мақомида ҳамкорлик қилиши тўғрисида қарор қабул қилишга эришилган эди.

Бу ҳақда сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари фикрлари билан қизиқдик.

Акс садо

Қахрамон ЭРГАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеп фракцияси аъзоси:

— Ҳозирги даврда Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан қузатувчи давлат мақомида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилётгани ҳар томонлама мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча, қузатувчи мақомида бўлиш ҳар қандай интеграция жараёнининг дастлабки босқичи бўлиб, қузатувчи давлат сифатида иттифоққа аъзоликнинг устуңликлари ва камчиликларини чуқур таҳлил қилиш, миллий қонунчилиги тўғрисида қандай ўзгариш ва қўшимчалар киритишларини ўрганиш ва таъйёргарлик кўриш учун ўзига хос имконият ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бу амалий ва кўп қиррали муносабатларнинг сифат жиҳатида янги босқичга чиқиш, ташкилот доирасида рўй бераётган муҳим жараёнларни янада чуқур ва аниқ тушуниш имконини беради.

Азамжон Тўлабоев,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси:

— Қузатувчи мақомининг ҳуқуқий асосларига келадиган бўлсак, «Евроосиё иқтисодий иттифоқи» ҳақида «ги шартноманинг 109-моддасига мувофиқ, ҳар қандай давлат Иттифоннинг Олий кенгашига қузатувчи давлат мақоми бериши сўраб мурожаат қилиши мумкин. Қузатувчи давлат мақоми қузатувчи давлат вакилларининг Иттифоқ органларининг тақлифини асосан Иттифоқ органлари мажлисларида иштирок этиш, Иттифоқ томонидан қабул қилинган очик ҳужжатларни олиш ҳуқуқини беради. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, қузатувчи мақоми иттифоқ органлари йиғилишларида қарор қабул қилиш жараёнида овоз бериш ҳуқуқини бермайди. Шунингдек, қузатувчи мақомидаги давлатнинг Иттифоқ ва аъзо давлатлар манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан сақланиши кераклиги маъмур моддада белгилаб қўйилган.

2018 йил 14 майда «Евроосиё иқтисодий иттифоқида қузатувчи давлат мақоми тўғри-

сида»ги низоом қабул қилинган бўлиб, маъмур ҳужжат қузатувчи мақоми бериш этиш тартиби, қузатувчи давлат ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Умуман айтганда, кеча Евроосиё иқтисодий кенгашининг йиғилишида ЕОИИга аъзо мамлакатлар етакчилари Ўзбекистон Республикасига ташкилот ҳузуридаги қузатувчи давлат мақоми бериш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилгани биз учун тўғри танлов, деб биламиз. Чунки ҳамкорликнинг мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларига ижобий ва салбий таъсирини ўрганиш ва унинг якунига кўра ҳамкорлик истиқболларини белгилаб олиш ҳозирги кунда энг тўғри ва мақсадга мувофиқдир.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Бугун барчамиз чуқур англаб турибмизки, олдимизда илм-фанни ривожлантириш, унинг асосида иқтисодий ечимларга эришиш, иқтисодиёт тармоқларида соғлом рақобат муҳитини қарор топтириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар турибди. Интеграция маъмур масалалар ечимида бизга янги чорловлар тақлиф қилади. Асосийи, танти ва меҳнаткаш халқимиз, тадбиркорларимиз ўзи етиштирган ёки ишлаб чиқарган маҳсулотларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида савдога чиқаради. Етакчи олимларимиз ва катта ҳаётга кириб келаётган авлод вакиллари ўз интеллектуал салоҳияти ҳисобига юртимизда етиштирилаётган маҳсулотларни хом ашё сифатида эмас, тайёр товар ҳолатида харидорларга тақлиф этиш имкониятига эга бўлади.

Тушунарики, олдимизда танлаш имконияти қийин масала турган эди. Масыулият ҳисси эса бизларни янада сергак бўлишга, ҳозир ва узоқ истиқболда ҳам бизга манфаатли бўлган йўлни танлашга чорлаб турди. Бутун дунёни қамраб олган бугунгидек танглик ҳолати тенг аъзо давлат сифатида ҳамкорлик олиб боришимиз қутилмаган ва манфаатларимизга зид вазиятни тўх-фа этиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Шу каби жиҳатларни ҳисобга олганда Евроосиё иқтисодий иттифоқида Ўзбекистоннинг қузатувчи давлат сифатида намоён бўлишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқида қузатувчи давлат сифатида ҳамкорлик қилиши, энг аввало,

Ўзбекистонга ЕОИИга аъзо давлатлар билан ўзаро манфаатли бўлган соҳаларда мулоқот ва ҳамкорликни кучайтиришга эришилди. Президентимиз буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишини, тенглик ва ўзаро манфаат таъминлигига асосланишини таъкидлаб ўтдилар.

Қузатувчи давлат мақомида ЕОИИ билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистонга бирор-бир махсус юридик мажбуриятларни оқламайди, миллий қонунчилигини ўзгартиришга олиб келмайди ва қузатувчи мақоми автоматик тарзда ЕОИИга аъзо бўлиш кераклигини англамайди.

Қузатувчи давлат мақомидаги фаолиятимиз давомида ЕОИИнинг бизга кўринмайдиган «қоронғи» бўлган томонларини ҳам қузатиш ва тегишли қарорни қабул қилиш имкониятига эга бўламиз. Натижада интеграция жараёнининг бизга берадиган афзалликлари ва салбий оқибатлари ҳақида келажакда қўйиладиган қадам учун зарур хулосаларни эга бўламиз.

ЕОИИга аъзо мамлакатлар етакчиларининг Ўзбекистон Республикасига ташкилот ҳузуридаги қузатувчи давлат мақоми бериш тўғрисидаги қарорини бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар босқичидан келиб чиқиб «олтин ўрталик» деб баҳолаш мумкин. Бу ЕОИИга аъзо бўлиш ёки бўлмастик афзалликларини «ичқаридан» ҳар тарафлама ўрганиш учун энг яхши имконият ҳисобланади.

Абдурахим ҚУРБОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экология партияси фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқида қузатувчи давлат мақоми олиши халқаро муҳимиятга эга бўлади. Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев Хиндистонга расмий ташрифидан сўнг илгари қузатувчи давлат мақоми олиши халқаро муҳимиятга эга бўлади. Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев Хиндистонга расмий ташрифидан сўнг илгари қузатувчи давлат мақоми олиши халқаро муҳимиятга эга бўлади.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш масаласига тўхталиб ўтилди. Хиндистон худдида ўзбекистон сингари қўшни Афғонистон раҳбарияти раҳнамолигида мамлакатнинг тинч ва барқарор тараққиёти этиши, халқнинг эркинлиги ва ҳуқуқлари таъминланишидан манфаатдор.

Музокаралар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун замин яратди. Бош вазир Нарендра Моди таъкидлаганидек, у Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқин кунларда Ўзбекистонга ташриф буюриб, кун тартибидидаги қўллаб-қувватлаш масалаларни муҳокама қилиш бўйича тақлифини мамнуният билан қабул қилди.

Учрашув якунлари бўйича Қўшма баёнот ва келгуси йил ҳаракатлар режаси, шунингдек, иқтисодиёт ва инновациялар, молиявий-техник ёрдам, бошона, савдони техник жиҳатдан тартибга солиш, кадрлар тайёрлаш ва қўшма илмий тадқиқотларга оид ҳужжатлар ва идоралараро битимлар имзоланди.

«Дунё» АА.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН РАҲБАРЛАРИ ОНЛАЙН-САММИТ ЎТКАЗДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гуманитар соҳада томонлар таълим ва кадрлар тайёрлаш, кинематография, ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алмашиувларни ривожлантириш, миллий маданият ва тилни ўрганиш, тарихий мерос объектларини реставрация қилиш борасидаги қўшма дастурларни қўллаб-қувватладилар.

Саммит давомида хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган замонавий хатарларга қарши курашишнинг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди. Яқиндан мувофиқлашув ва ахборот алмашиувини давом эттириш муҳимлиги қайд этилди. Томонлар Афғонистондаги вазиятни тез фуқаролик тўғрисида қўшма баёнот қабул қилдилар.

Бундан ташқари, учрашув доирасида иқтисодиёт, инновациялар, молиявий-техник кўмак, бошона иши ва савдони техник тартибга солиш, кадрлар тайёрлаш ва қўшма илмий тадқиқотлар ўтказишга доир қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Содиқ САФОЕВ,
Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:

ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

— Бугунги олий даражадаги мулоқот икки мамлакат лидери — Ўзбекистон Президенти ва Хиндистон Бош вазири ўртасидаги шахсий муносабатлар ва бир-бирига бўлган ишончнинг яққол намунаси. Хиндистон Бош вазири Нарендра Моди Ўзбекистон Республикаси Президентига нисбатан юксак ҳурмат ва чуқур эҳтиромга эга, Ўзбекистон билан бўлаётган муносабатларга шахсан алоҳида эътибор қаратади.

Олдимида муҳим вазифа турибди. У ҳам бўлса, яқин йиллар мобайнида икки томонлама савдонини бир миллиард долларга олиб чиқиш. Бунинг учун имкониятлар бийёр. Хиндистон — катта бозор, Хиндистондаги иттифоқ вакиллари билан ўзаро манфаатли бўлган соҳаларда мулоқот ва ҳамкорликни кучайтиришга эришилди. Президентимиз буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишини, тенглик ва ўзаро манфаат таъминлигига асосланишини таъкидлаб ўтдилар.

«Халқ сўзи».

Хиндистон элчиси Маниш Прабхат:

Онлайн-учрашув илиқ ва дўстона муҳитда ўтди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг видеонавжуман шаклида бўлиб ўтган учрашувда муҳокама қилинган долзарб масалалар аҳамияти ҳақида Хиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Маниш Прабхат «Дунё» ахборот агентлигига сўзлаб берди.

«Халқ сўзи» учун махсус

— Бугун унутилмас кун — Хиндистон Бош вазири Нарендра Моди ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев саммити видеонавжуман шаклида ташкил этилди, — деди элчи. — Учрашув илиқ ва дўстона муҳитда ўтди. Икки раҳбар бир-бирини яқин дўст ва стратегик шерик сифатида олқишлади.

Анжуманда Хиндистон ва Ўзбекистон учун манфаатли бўлган фармацевтика, савдо, тиббиёт, таълим, маданият, хавфсизлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг стратегик масалалари муҳокама қилинди. Бош вазир Нарендра Моди таъкидлаганидек, Хиндистон бугун Ўзбекистоннинг турли тармоқларида лойиҳалар амалга ошириш учун 447 миллион доллардан кўп маблағ ажратгани, шунингдек, ижтимоий ва коммуникация соҳаларида жадал ривожланиш лойиҳаларига қатор грантлар тақдим этгани мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклигини ёрқин ифодаловчи нисол була олади.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, Ўзбекистонда Хиндистоннинг иқтисодиётига олиқилиш билан биргача, «Шарда ва Амита» университетлари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев Хиндистонга расмий ташрифидан сўнг илгари қузатувчи давлат мақоми олиши халқаро муҳимиятга эга бўлади.



Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш масаласига тўхталиб ўтилди. Хиндистон худдида ўзбекистон сингари қўшни Афғонистон раҳбарияти раҳнамолигида мамлакатнинг тинч ва барқарор тараққиёти этиши, халқнинг эркинлиги ва ҳуқуқлари таъминланишидан манфаатдор.

Музокаралар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун замин яратди. Бош вазир Нарендра Моди таъкидлаганидек, у Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқин кунларда Ўзбекистонга ташриф буюриб, кун тартибидидаги қўллаб-қувватлаш масалаларни муҳокама қилиш бўйича тақлифини мамнуният билан қабул қилди.

Учрашув якунлари бўйича Қўшма баёнот ва келгуси йил ҳаракатлар режаси, шунингдек, иқтисодиёт ва инновациялар, молиявий-техник ёрдам, бошона, савдони техник жиҳатдан тартибга солиш, кадрлар тайёрлаш ва қўшма илмий тадқиқотларга оид ҳужжатлар ва идоралараро битимлар имзоланди.

«Дунё» АА.

ДОЛЗАРБ САВОЛЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНДИ, АНИҚ ЕЧИМЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг видеоконференцалоқа тарзидаги мажлисида сенаторлар томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини электр энергияси, табиий ҳамда суолтирилган газ ва кўмир билан таъминлаш ҳолати юзасидан олиб борилган ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

рилган газ етказиб бериш бўйича қўшимча кўрсатилаётган хизматлар ҳақиқатда амалга оширилмасдан, истеъмолчилар ҳисобидан ҳақ олиш ҳолатлари мавжуд. Хусусан, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида жами 360 мингдан кўп ҳолатда газ баллонларини аҳоли хонадонига ўрнатмасдан туриб, истеъмолчилардан 1 миллиард 230 миллион сўм микдорда ҳақ олинган.

Олий Мажлис Сенатида

Парламент юқори палатаси Раиси Танзила Норбоева олиб борган йиғилишда Сенат аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, худудий студиялардан тегишли ҳокимлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари қатнашди.

батан ошиб кетишига олиб келаётир.

Электр энергетика соҳасига сўнгги уч йилда умумий қиймати 26 триллион 214 миллиард сўм инвестиция киритилган бўлса-да, жойларда мазкур соҳанинг инфратузилмасини модернизациялашга оид кўплаб муаммолар учрамоқда. Яъни Андижон вилоятида жорий йилда электр узатиш тармоқларини реконструкция қилиш ва янги қуриш ишларининг 38,7 фоизи ҳамда Наманган вилоятида трансформатор пунктларини реконструкция қилиш ишларининг 13,7 фоизи ба- жарилмаган.

Ишчи гуруҳи томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, жорий йилда жами электр энергияси ресурслари 71,1 миллиард кВт соат, шундан ишлаб чиқариш 65,9 миллиард кВт соат, импорт 5,2 миллиард кВт соатни ташкил қилмоқда. Иил якунига қадар етказиб берилаётган табиий газ иқтисодиёт тармоқларига 28,4 миллиард куб м., аҳолига 11,4 миллиард куб м., суюлтирилган газ эса 543,4 миң тоннадан иборат. Қолаверса, аҳолига жами 826 миң тонна кўмир маҳсулотини етказиб бериш режалаштирилган.

Жойларда истеъмолчилар томонидан қарздорлик суммасининг ўсиб бориш тенденцияси сақланиб қоляпти. Хусусан, электр энергияси учун мавжуд дебитор қарздорлик жорий йилнинг ноябрь ҳолатига 2 триллион 400 миллиард сўмни ташкил қилган.

Мажлисида аҳолига электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ, кўмир етказиб беришда қатор муаммолар аниқлангани қайд этилди. Электр таъминотини чеклашда шафтофлик мавжуд эмаслиги, истеъмолчиларнинг чеклов графиклари билан таништирилмаслиги, аҳолига, айниқса, тадбиркорлик субъектларига салбий таъсир кўрсатяпти. Олдиндан оғохланган амалга оширилган узатишлар оқибатида 1 351 та улгуржи истеъмолчига 1 миллиард 620 миллион сўмга тенг моддий зарар етказилган.

Мажлисида истеъмолчиларга табиий ва суюлтирилган газ етказиб бериш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Аҳолига прогнозда белгиланган ҳажмига нисбатан кўпроқ табиий газ ажратишига қарамадан, мавсумий даврда етказиб беришда доимий узатишларга йўл қўйилмоқда.

Электр етказиб бериш ҳажми йил сайин ошиб бораётган бўлишига қарамай, мавжуд эҳтиёжни қопламаслиги ҳамда шакллантирилган прогноз ҳажмига нисбатан истеъмолнинг юқори бўлиши жойларда электр энергиясининг белгиланган лимитини таъминлаб беролмаслиққа ёки таъминланган тақдирда ҳам амалдаги истеъмол лимитига нис-

Жойларда истеъмолчилар томонидан қарздорлик суммасининг ўсиб бориш тенденцияси сақланиб қоляпти. Хусусан, электр энергияси учун мавжуд дебитор қарздорлик жорий йилнинг ноябрь ҳолатига 2 триллион 400 миллиард сўмни ташкил қилган.

энергияси, табиий ва суюлтирилган газ истеъмоли прогноз кўрсаткичларини шакллантириш тартибини қайта кўриб чиқиш, бунда энергияга бўлган реал эҳтиёжнинг тўла қопланишини назарда тутиш, "Худудгазтаъминот" АЖ ташкилотлари томонидан суюлтирилган газ билан таъминлашга иқтисослашган ҳудудларда тизимли равишда истеъмолчиларни зарур ҳажмда газ баллонлари билан таъминлашни назоратга олиш топшириги берилди.

Истеъмолчиларга суюлтирилган газни тақсимлаш ва етказиб бериш жараёнини назорат қилишининг шафтофлик электрон дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш чораларини кўриш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ ҳамда кўмир билан таъминлаш бўйича ҳужуқбузарликларни бартараф этиш устидан назоратни қулайтириш каби вазифалар белгиланди.

Муниҳон ҚАРИМОВА («Халқ сўзи»).

ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ МУЖАССАМ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар суғурта фаолиятини тартибга солиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш баробарида, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этишга қаратилган ҳужжатларнинг бугунги кун талабига нечоғли мослиги нуқтаи назаридан атрофлича кўриб чиқилди.



Назорат тартибида иш юритиш институти бекор қилинмоқда

Халқ вакиллари томонидан иккинчи ўқишда батафсил кўриб чиқилган қонун лойиҳалари фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, жамиятнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Бинобарин, Президентимизнинг жорий йилдаги иккита муҳим ҳужжати — "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада қулайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари билан Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Иқтисодий процессуал ҳамда Фуқаролик процес-

суал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаларида инвестициявий низолаб бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар беросита Олий суд томонидан, қолган инвестициявий низолаб инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўриштириш мумкинлиги акс этяпти.

Шунингдек, судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан қатнашиши истисно этилмоқда.

Президент ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил биринчи инстанция судининг қонуний қучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятини беришга ҳақли экани ҳам тақлиф этиляпти.

Жиноят-процессуал кодексига янги очилган ҳолатлар туфайли жиноят иши бўйича иш юритишни қайтадан бошлашнинг аниқ қоидаларини белгилловчи қўшимчалар, қатор янгиликлар киритилмоқда. Уларга кўра, ушбу ҳуқуқни илгари назарда тутилганидек нафақат прокурор, балки жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ҳам амалга ошириши мумкин. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги илтимос ёки хабарни кўриб чиқиш ҳуқуқи Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига берилди.

Қонун лойиҳаси моддама-модда кўриб чиқилган, депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Суғурта фаолиятида қандай янгиликлар жорий этиляпти?

Мажлисида депутатлар "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси юзасидан молия вазирининг биринчи ўринбосари Омонullo Насриддинқужаев маъруза қилди.

Қонун лойиҳасининг асосий гоёси суғурта фаолиятини тартибга солиш, соҳага халқаро стандартларни изчил жорий этиш орқали суғурта фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган. Унда суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари (суғурта ташкилотлари,

«МИКРОКРЕДИТБАНК» ИШБИЛАРМОН ОДАМЛАРНИНГ ТАШАБУСЛАРИНИ ҲАМИША ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ



Ишбилармон кишиларнинг ташаббус ва гоёларини қўллаб-қувватлаш "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Бинобарин, кейинги йилларда айна шу мақсаддаги ҳамкорлик туфайли жойларда янги тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилмоқда, одамлар бандлиги ва моддий манфаатдорлиги таъминланмоқда.

Яқинда банк ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Сирдарё вилоятига уюштирилган пресс-тур давомида журналистлар ана шундай тадбиркорлар фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Пресс-тур

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўенчилик нафақат сердардор, балки қисқа муддатда кўн даромад олиш имконини берувчи соҳалардан бири ҳисобланади. Шу боис бугунги кунда кўенчилик нафақат иқтисодиётимиз раванқига, балки аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда парhezбop гўшт маҳсулотлари етиштиришга салмоқли ҳисса қўшаётган истиқболли соҳалардан бирига айланмоқда. "Микрокредитбанк" эса мазкур соҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга бириктирилган ва жамоа шу мақсадда аниқ чора-тадбирлар кўрмоқда. Жумладан, 2020 йилда кўенлар сонини 5 миллион бошга етказиш учун 189 та лойиҳа ташаббускорлари аниқланиб, банк томонидан молиялаштириш режалаштирилган.

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деганларидек, банк томонидан кўенчилик соҳасида молиялаштирилган йирик лойиҳалардан бири — Сирдарё вилоятидаги "SIRDARYO MOMIQ QUYONLARI" фермер хўжалигидир. Ушбу хўжалик кўенлар, жумладан, она кўенлар сонини кўпайтириш, вилоят микёсида кўенчилик корхоналарини очиб ҳамда фуқароларга бундай жониворларни етказиб бериш мақсадида ташкил этилган.

Вилоятнинг Мирзаобод тумани ҳудудига жойлашган ушбу йирик кўенчилик мажмуаси 2016 йилдан "Микрокредитбанк" миждо ҳисобланади. Дастлаб кўен сотиб олиш ҳамда қурилиш учун 350 миллион сўм, 2020 йилнинг август ойида эса хориждан янги турдаги ускуналар олиб келиш учун 470 миллион сўм, момик жониворлар боқиладиган бинони таъмирлаш учун 209 миллион сўм тақриб олинган.

Янги Зеландиянинг зотли маҳсулдор кўенлари парвариланаётган мазкур фермер хўжалигида ишлар тизими олиб борилади. Бугунги кунда хўжаликда 1 700 дан ортқк она кўенлар, 1 300 га яқин нар кўен ҳамда 3 миңгдан кўп кўен болалари боқилмоқда.

Айни пайтда корхонада 12 та янги иш ўрни яратилган. Бир йилда ўртача 6 тоннагача кўен гўшти етиштирилмоқда.

Кейинги манзил — Оқолтин туманидаги "Oqoltin Mega Textile Group" масъулияти чекланган жамияти бўлди.

— Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисослашган корхонамизда тўлиқ маҳаллий хом ашёдан фойдаланяпмиз, — дейди иш бошқарувчи Шахзод Уролов. — Шунингдек, бизда сифатга катта эътибор қаратилади. Бинобарин, уларнинг кўп қисми Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинади.

Корхонанинг умумий лойиҳа қиймати 95 680,0 миллион сўмни ташкил қилади. Шундан 55 000,0 миллион сўми тадбиркор маблағи бўлса, 40 680 миллион сўми "Микрокредитбанк" томонидан ажратилган кредит.

Корхона ташкил этилганига кўп бўлган йўқ. Яъни шу йилнинг сентябрь ойида ишга туширилган. Ва, табиийки, Сардоба суви омбори тошқиндан жабр кўрган худуд аҳолиси учун айни муддао бўлди.

— 2012 йилдан буён тикувчилик билан шуғулланиб келаман. Шу вақт ичида бир нечта корхоналарда ишладим, — дей-



ди сифат назоратчиси Наргиза Дадабоева. — Рости, уларда ҳам шароит ёмон эмасди, лекин бу корхона уйимизга яқинлиги жуда маъқул бўлди. Асосан, трикотаж либослар тикишига иқтисослашган ушбу корхона қишлоқ аёллари учун чинакам тўхта бўлди. Чунки фабриканинг ишга тушиши билан юзлаб опа-сингилларимизга доимий иш ўрни яратилди.

Қайд этилганидек, корхона яқинда ташкил қилинганга қарамадан, самарали фаолият юритмоқда. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 28 миллиард сўми, яъни 26 миллион дона тайёр кийим-кечакни ташкил этади. Маҳсулотнинг 80 фоизи экспортга, қолгани ички бозорга йўналтирилади.

Айни пайтда корхонанинг дастлабки линиялари ишга туширилган. У тўлиқ

Одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсади-

буси билан қатнашиши истисно этилмоқда.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

«Тошкент ИЭМ» АЖ олдиндан саралаш жараёнини ўтказмаган ҳолда, куйидаги ишлар юзасидан шартнома тузиш ҳуқуқи учун танлов ўтказиш тўғрисида эълон қилмоқда:

- хавfli ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш;
- иш бевуричлиги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш.

1. Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов қатнашчиларига қўйиладиган талаблар www.tashtec.uz сайтида жойлаштирилган.
2. Танлов тақлиф конвертлари Ўзбекистон Республикаси, 100022, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 58-ўй манзилига 2020 йил 21 декабрь куни соат 17.00 дан кечиктирилмаган ҳолда юборилиши лозим.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklama@xs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғига Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Өфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетанинг қандайдиги маълумотларини оқиб олиш учун QR-коднинг телефонини орақли сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-ўй. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — Р. ШЕРКУЛОВ. МУСАҲҲИХ — С. ИСЛОМОВ. «ШАРҚ» НАШИРЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.50 Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5 6